



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 92 (9338).

• 1988 йил 11 май • чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

ҲАМ САБЗАВОТ, ҲАМ ПИЛЛА

ТОШКЕНТ районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Анвар Нуриддинов етакчилиги қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ҳар йили давлатга сабзавот етказиб бериш лавозини ортириб била бажариб келишади.

21 нафар комсомол аъзоси меҳнат қилаётган бу коллективда ишнинг пудрат усулида ташкил қилинганлиги ютуқлар омили бўлмоқда. Ёшлар ўтган 1987 йилда ҳам пландаги 295 тонна ўрнига 326 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириб ҳў-

жалида пешқадам бўлишган.

Бу йилги деҳқончилик ишларида ҳам бригада аъзолари эрта баҳордаёқ киришди. Ҳозирги кунларда 4 гектар майдонга экилган эртаги карам сўнгги марта озиклангилари, ишлон берилмоқда. Шунингдек, 4 гектар майдондаги бодринг, 3,5 гектардаги картошка ва бошқа экинлар парвариши ҳам намунали оlib бориляпти. Далаларда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Шу кунгача аҳолига икки тоннадан зиёд кўп пилла ва

300 килограмм петрушка ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Бунда З. Аргинбоев, А. Абдуллаев, И. Сиддиқов сингари ёш сабзавоткорларнинг хизмати катта.

Бригада ёшлари бу йил пилла кўрти парваришида ҳам намуна кўрсатмоқдалар. Улар ўтган йили олти кўти кўрт уруғи боқиб, 65 килограммдан маҳсулот топширган эдилар. Бу йил эса 70 килограммга етказишни мўлжаллашпти.

Х. САЪДИЕВ.

• ЧИРЧИҚ ШАҲРИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА •

40 ХИЛ РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ

ЧИРЧИҚДАГИ «Ўзбекхиммаш» заводиди қиридан ортиқ турда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар асосан аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган кундалик рўзгор буюмларидир. Ўтган йили республикамизнинг кўпلىк шаҳар ва районларига 4,3 миллион сўмлик шундай маҳсулотлар жўнатилган эди. Бу йил улар миқдорини яна-

да кўпайтириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда асосий дехдан ташқари бошқа бўлимларда ҳам планга кўп-қича равишда ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб устида ишлар олиб бориляпти. Шу нарса диққатга сазоворки, уларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш чиқиндиларида тайёрланмоқда.

А. КЕЛДИЕВА.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

ЧИРЧИҚДАГИ пойабзал фабрикасида ишлаб чиқариш жараёнларини тақомиллаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар тобора кенг амалга оширилмоқда. Яқинда корхона мутахассислари пойабзалнинг устки қисмларини йиғишнинг янги усулини ишлаб чиқдилар. Уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида қисмлар-

нинг барча уланган чоклари пойабзалнинг ичида қолайлиги.

Бу янгилик оёқ кийимларининг сифатли тайёрла-нишгагина эмас, товар маҳсулотлари турларини кўпайтириш, шунингдек, ишчилар меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Х. ЖАМОЛИДДИНОВА,
фабрика хизматчиси.

ТЕЖАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

ЗАВОД ишчи-хизматчилари ўтган юбилей йилида 3072 тонна шартли ёқилғи, 13,4 минг гигакалорий иссиқлик энергияси ҳамда 6 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергиясини тежаб қолишга муваффақ бўлган эдилар. Коллектив тежамли ишлаш бўйича область миқёсидаги социалистик мусобақа қолиби, деб топилди.

Шу йилдан тўла ҳўжалик ҳисоби шароитларида ишлатган химиклар тежамкорлигини янада кучайтиришмоқда. Ўтган уч ой давомида бу ерда 750 минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси ва 100 тоннага яқин шартли ёқилғини тежаб қолишга муваффақ бўлинди.

Л. ЛАВРИНА,
Олмалик химия заводи.

БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

ГАЛАБА байрами совет халқи байрамлари орасида энг ёрқин айёмдир. Биз ушбу байрам куня улуг Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо этган шахидларни ҳам-андух билан эслаймиз. Улуг Ватан урушидаги Галаба мамлакатимизда яшаётган барча халқлар, ҳамма миллатлар ва элатларнинг тош-метидек бирлиги асос бўлган Совет давлати куч-қудратининг шакл-шубҳасиз далилидир. Ленинчи Коммунистик партия Совет давлатининг иқтисодий, ҳарбий ва маънавий потенциални агрессорни тор-мор этишга сафарбар қилди. Она юртининг, жаҳондаги кўпгина мамлакатлар халқларининг озодлиги учун жон-танини аямаган совет солдатининг улуг жасоратини фашизм вабосидан халос бўлган дунё асрлар бўйи унутмайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 9 Май кунини барча совет кишилари, бутун тараққий-парвар инсонини билан биргаликда совет халқининг Улуг Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозongan Галабасининг 43 йиллигини нишонлади-лар. Бу Галаба бутун жаҳон-да Совет тузумининг куч-қудратини, социализм ва марксча-ленинчи идеология-нинг афзалликларини рўй-рост намойиш этди, жаҳон тараққиётининг борлишига жуда катта таъсир ўтказди. Галабанинг сўнмас аҳамияти шундаки, урушнинг якунла-ри ва сабоқлари, яна бош кўтариб, жаҳонга ҳокимлик қилишга даъвогар кимсаларга дахшатли оғоҳланти-ришдир.

Ўзбекистон фарзандлари ҳам оғир уруш йилларида барча қардош халқлар билан ёнма-ён туриб, Октябр зафарларини ҳимоя қилди-лар. Республикамиз Улуг Ватан уруши фронтларига неча юз мингга аскарлар-ни юборди. 120 минг нафар-дан кўпроқ ўзбекистонлик жангчи жангтоҳлардаги жа-

сoratлари учун орден ва медаллар билан таъдирлан-ди. 300 нафарга яқин марду-майдон ўғлонларимизга Со-вет Иттифоқи Қаҳрамони у-нони берилди. Уша йиллар Ўзбекистон мамлакатининг йи-рик галла кониға, саноат ба-засига айланди, душман вақтинча босиб олган мамла-кат ўлкаларидан кўчиб кел-ган минг-минглаб оналар она юртимизда паноҳ то-пди. Нону насибамизни улар билан баҳам қурдик.

Эрта тондан бошлаб кўп-минг-минглаб тошкентлик-лар Парадлар ҳўбонига, Ўзбекистон пойтахтининг асосий майдонига йўл ол-дилар. Улар Коммунистик партия ва Совет давлати-нинг асосчиси В. И. Ленин ҳайкали пойига анвойи гул-лар қўйдилар. Мангу олов ҳамиша ловуллаб туради-ган, дахшатли уруш йилла-рида ажал юзига тик қараб мамлакатни ҳимоя қилган марду майдонлар хотираси-нинг тимсоли бўлган Номас-лум солдат қабрига гулчам-барлар қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-

бекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, партия, уруш ва меҳнат ве-теранлари, Тошкент область партия комитети ва область иқроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар иқроия комитети, Ўзе-бекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбеки-стон ЛКСМ Марказий Коми-тети номидан, Тошкент шаҳ-ридаги корхоналар ва таш-килотларнинг меҳнат кол-лективлари номидан гуллар ва гулчамбарлар қўйилди. Оркестр Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гим-нларини ижро этади. Гуллар ва гулчамбарлар қўйиш тан-танали маросими турки-стончи жангчилар фаҳрий қорувулининг ўтиши билан якунланди.

Тошкент госпиталларида уруш жароҳатларидан ва-фот этган жангчилар дафн этилган ҳарбий қабристонда кўп кишилик митинг бўлди ҳамда «Мотамсаро она» ҳай-кали пойига гуллар ва гул-чамбарлар қўйилди. Гене-рал С. Раҳимов ҳайкали по-йига. Коммунарлар хўббо-нидаги Визодарлик қабрис-тонига ҳам гулчамбар қў-йилди.

Бугун биз тинч яшашимиз ва меҳнат қилишимиз учун жонини фидо этган марду-майдонларнинг ёрқин хоти-расини эсга олиб, ҳамма ер-да миннатдор тошкентлик-лар шахидлар руҳига таъ-зим бажо этдилар.

Улуг Галаба куня шарафи-га Тошкент ипподромида анъанага кўра, ёрқин ҳар-

бий-спорт байрами бўлди. Минг-минглаб тошкентлик-лар ва Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари соч-соқоли оппоқ ва жанговар мукофот-лари кўш нурида порлаб турган ветеранларни кўтла-дилар, уларнинг саф тортиб ўтиши Улуг Ватан уруши-нинг дахшатли йилларини яна бир карра эслатди. Ве-теранлардан жасорат ва ма-тонат анъаналарини қабул қилиб олгандек, Қизил Бай-роқ орденли Туркистон Ҳар-бий округининг ёш жангчи-лари ўзларининг жанговар маҳорати ва уқувини намо-йиш этидилар. Душман би-лан юзма-юз олишувга тақ-дир қилиб, ёш жангчилар қилган машқлар катта ав-лодлар иши ишончи қўллар-да эканлигини тасдиқлади. ДОСААФ спортчилари, от-спорт клубининг аъзолари ҳам ўз санатларини кўрсат-дилар.

Халқ сайли тунгача да-вом этди. Байрам салюти тантаналарга яна ҳам фой-за киритди. Тунги Тошкент ос-мони мушакбозлик шула-ларидан ранго-ранг товлан-ди.

Галаба кунига бағишлан-ган байрам тадбирларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси-нинг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари — Р. Н. Ни-шонов, Т. А. Алимов, В. П. Аншичев, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Г. Х. Қоди-ров, В. Н. Лобко, В. И. Ога-рок, Н. И. Попов, П. Ҳаби-буллаев, М. Ҳ. Холмухам-едов, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдунов иш-тирок этидилар.

(ЎЗТАГ).


БАЙРАМ САЛЮТИ

9 Май куня кечқурун қаҳ-рамон шаҳар Москва осмони ранго-ранг мушакбозликдан кималандек товланиб кетди. Ватанимиз пойтахтида тўп-

нинг 43 йиллигини нишон-лаш юзасидан иттифокдош республикалар пойтахтлари-да, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Оде-са, Севастополь, Новорос-сийск, Керчь, Тула, Смо-ленск, Мурманск, қаҳрамон

қалъа Брест, шунингдек Ка-лининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбисев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хаба-ровск, Владивосток ва Се-вероморскда ҳам салют берил-ди.

(ТАСС).



Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлигига номзодлар

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ



бирин-кетини сўз олиб, Ман-залат Тўйчиевнинг ташки-лотчилиги ва тадбиркорли-ги, озуқ-овиат программаси-ни бажаришга қўшаётган шахсий ҳиссаси, партиявий топириқларини бажариш-даги активлиги ҳақида га-пирдилар.

— Манзалат кўз ўнгимиз-да ўсиб улгайди, — деди 2-бўлим бошқарувчиси Қўчқор Самиев. — Мактабни тамом-лабқоқ ишчилар сафига қў-шилди. Мана ўн уч йилдир-ки, узуқмичлик бригадасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бригадаси совхоз-заводдаги энг олди коллективлардан ҳисобланади. Бу йил унга ёнидаги қолоқ бригадани ҳам қўшиб бердик. Ҳозир Манзалат амалда икки бри-гадага бошчилик қилмоқда. 84 гектар боғни у оилаларга бўлиб берган. Мўл ва сиф-атли маҳсулот етиштириш-дан энди ҳар бир оила ман-фаатдордир. Шу босидан ҳам улар кузда ўғитлаб, қўнган тоқлар ҳўйр барқ уриб ривожланимоқда. Олди туларда шўра хомтоқ ҳам бошлаб юборилди.

— Манзалатга ишонамиз, у ҳаминча ишончимизни оқ-лаб келган, — деди бригада бошчилиги Абдурамон Исмаилов. — Ўзбекистон Компар-тияси XX ва XXI съездалари делегати сифатида партия гоиларини халққа етказишда куч-гайратини аяманли. У Бутуниттифоқ партия конфе-ренцияси делегатлигига ҳам муносиб номзоддир.

Богбон Зоира Душабоева устози Манзалат Тўйчиевни моҳир мураббий сифатида тасвирлади. Совхоз-завод коммунистлари яқинда Зои-рани партия аъзолигига қа-бул қилишди. Партия аъзо-лигига кандидат бўлишда ҳам, аъзоликка қабул қили-нишда ҳам Зоирага реко-мендацияни Манзалат Тўй-чиева берган эди.

— Устозимнинг ишончи-га жавобан яна ҳам унумли меҳнат қилишга ҳаракат қил-моқдам, — деди Зоира. — Ҳамкасбларим мени район Совети депутатлигига сай-лашди. Коммунист сифатида бригадада агитаторлик вази-фасини бажараяпман. Жамо-ат ишларида ҳаминча Манза-лат опанинг ёрдами ва мас-лаҳатларига суянуқман.

Манзалат опа ёшларни тарбиялашга алоҳида эъти-бор бермоқда. Ҳамидулло Болтаевнинг партияга кири-шида ҳам рекомандацияни М. Тўйчиева берган эди. Ҳамидулло уч-тўрт йил бри-гадада меҳнат қилиб, одам-лар билан ишлашнинг ўрганди. Ҳозир у 1-бўлимнинг 2-бри-гадасига бошчилик қилмоқ-да.

Бундан уч-тўрт йил му-қаддам Манзалатопа ёшлар-нинг меҳнат тарбиясини яна-да яхшилаш мақсадида ўз бригадасидан 19-ўрта мак-таб ўқувчилари учун 6,5 гектар ер ажратиб берди. Юқори синф ўқувчилари ўқишдан бўш соатларида шу бўлга меҳнат қилиб, боғбо-нлик касбини ағалламоқда-лар. Ёшлар ишидан Манза-лат опанинг ўзи кўз-қулоқ. Меҳнатда чиниққан йиги-тиларнинг кўпчилиги ке-йинчалик бригадада қолиб ишлашляпти. Ҳозир Дилму-рад Тўраев, Ислом Холбу-таев каби ёшлар ўз ота-она-лари ёнида боғ ишларини жон—диллари билан баж-аришляпти.

Оқиб партия йиғилишида ҳамма Манзалат Тўйчиева номзодини бир овоздан Бу-туниттифоқ XIX партия кон-ференцияси делегатлигига кўрсатди. Бу таълиф район партия ва ҳўжалик активи йиғилишида ҳам қўллаб-қув-ватланди.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
нинг махсус муҳбири,
Паркент райони.

Тўплам нашр этилди

«СССР ташқи савдоси 1987 йилда» деган статис-тика тўплами нашр қилинди. Унда мамлакатлар группал-ри, мамлакатлар ва товар-лар, экспорт ва импорт струк-тураси бўйича ташқи сав-до ҳажмининг ифодалидиган

материаллар келтирилган. Совет Иттифоқи ташқи сав-доси географияси акс этган.

Китоби «Финанси и ста-тистика» нашриёти босиб чи-қарди.

(ТАСС).



ат комбинатига буюртма берилди.

Ғалаба байрамн арафаси-
да Мичурин номли 36-ўрта
мактаб биноти ёнида «Мо-
тамсаро она» ҳайкали қад
ростлади.

Хайкалтарош Ю. Шилов билан архитектор Ю. Филончиков ижодига мансуб бу ёдгорлик ўрнатилган территория Хотира майдони бўлиб қолди.

Г. ЙЎЛДОШЕВА.

шкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

RC: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12